

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда;
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзонинг очиқ калити — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш — электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа;

электрон ҳужжат — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига ега бўлган ахборот.

4-модда. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган амалга оширади.

5-модда. Махсус ваколатли орган

Махсус ваколатли орган:

~~электрон рақамли имзодан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади;~~

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини (бундан буён матнда рўйхатга олиш маркази деб юритилади) давлат рўйхатидан ўтказди;

рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларига тегишли электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини юритади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан еркин фойдалана олишини таъминлайди;

рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини беради;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6-модда. Рўйхатга олиш маркази

Рўйхатга олиш маркази махсус ваколатли органда давлат рўйхатидан ўтган ва ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажараётган юридик шахсдир.

Рўйхатга олиш маркази:

электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ ва очиқ калитларини яратади;

электрон рақамли имзо ёпиқ калити муҳофаза қилинишини таъминлайди;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрини юритади, унинг ўз вақтида янгиланишини ҳамда ундан юридик ва жисмоний шахсларнинг еркин фойдалана олиш имкониятини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларга электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини электрон ҳужжатлар шаклида ва қоғоз ҳужжатлар шаклида беради;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг амал қилишини тўхтатиб туради ва қайта тиклайди, шунингдек уларни бекор қилади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг кўчирма нусхалари берилишини, шунингдек электрон рақамли имзолар калитларининг тўхтатиб турилган ва бекор қилинган сертификатлари тўғрисидаги маълумотлардан еркин фойдаланилишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан электрон ҳужжатлардаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди;

электрон рақамли имзоли қоғоздаги электрон ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тасдиқлайди;

электрон рақамли имзо калитининг сертификатидан бундан буён фойдаланиш имкониятига таъсир етиши мумкин бўлган ҳоллар ҳақида электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егасини хабардор қилади;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаларини электрон рақамли имзодан фойдаланиш қоидаларига ўқитиш имкониятини таъминлайди.

Рўйхатга олиш маркази билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади.

Рўйхатга олиш марказининг юридик ва жисмоний шахслар учун яратилган электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ калитларини сақлаши ҳамда электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш мақсадига тўғри келмайдиган маълумотларни сўраб олиши тақиқланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан еркин фойдалана олади.

(6-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан бешинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)

Рўйхатга олиш марказлари фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7-модда. Электрон рақамли имзо билан қўлда ўзи қўйган имзонинг бир хил аҳамиятга ега эканлигини ётироф этиш шартлари

Электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо айна бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этилган тақдирда қоғоз ҳужжатга қўлда ўзи қўйган имзо билан бир хил аҳамиятга егадир, агар:

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган пайтда ёки имзолаш пайтини белгиловчи далиллар бўлганда электрон ҳужжат имзоланаётган пайтда электрон рақамли имзо калитининг сертификати амал қилиб турган бўлса;

электрон рақамли имзодан электрон рақамли имзо калитининг сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилаётган бўлса.

8-модда. Электрон рақамли имзо воситалари

Электрон рақамли имзо воситалари электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини, электрон рақамли имзонинг ёпиқ ва очиқ калитлари яратилишини таъминлайдиган барча техникавий ва дастурий воситалардан иборат бўлади.

Электрон рақамли имзо воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши лозим.

9-модда. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитларини ва очиқ калитларини яратиш

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитлари ва очиқ калитлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ёки уларнинг мурожаатига биноан рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида яратилиши мумкин.

10-модда. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити егаси

Электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига электрон рақамли имзо калити сертификати берилган жисмоний шахс электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаси бўлади.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши еҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши тўғрисида рўйхатга олиш марказига хабар қилиши шарт.

11-модда. Электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг жавобгарлиги

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаси ушбу Қонун 10-моддасининг кинчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида электрон рақамли имзонинг

ёпиқ калитидан рухсациз тарзда фойдаланилиши туфайли етказилган зарар учун тегишли электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси олдида жавобгар бўлади.

12-модда.Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси бўлиши мумкин.

Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егасига тегишлилигини ва электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини текшириш учун электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказига мурожаат етишга, шунингдек электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳоллар ҳақида электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егасига хабар қилишга ҳақли.

Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг шахси тўғрисидаги маълумотлар муҳофаза қилинишини таъминлаши керак.

13-модда.Электрон рақамли имзо калитининг сертификати

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжатдан иборат бўлади.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон ҳужжат шаклида ва қоғоз ҳужжат шаклида тайёрланиши мумкин.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

агар электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаси юридик шахснинг вакили бўлса, шу юридик шахснинг номи;

унинг тартиб рақами ва амал қилиш муддати;

электрон рақамли имзонинг очик калити;

электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланишда ёрдам бериши мумкин бўлган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

мазкур сертификатни берган рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган манзили;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон рақамли имзолар калитлари сертификатлари реестрининг электрон манзили.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаси ташаббуси билан электрон рақамли имзо калити сертификатига бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

14-модда.Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати рўйхатга олиш маркази томонидан берилади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилаётганда у рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

тасдиқланиши керак. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг бир нусхаси электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егасига берилади, бошқа нусхаси еса рўйхатга олиш марказида сақланади.

Электрон ҳужжатлар шаклидаги электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг кўчирма нусхаларини беришга доир хизматлар рўйхатга олиш маркази томонидан бепул кўрсатилади.

15-модда. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг аризаси асосида, аризада кўрсатилган муддатга, лекин мазкур сертификатнинг амал қилиш муҳлатидан кўп бўлмаган муддатга рўйхатга олиш маркази томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси тушганда рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига тегишли ёзув киритади ва айна бир вақтнинг ўзида бу ҳақда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егасини хабардор қилади.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилган муддат ичида рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг аризасига биноан мазкур сертификатнинг амал қилишини қайта тиклаши мумкин.

16-модда. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг аризаси асосида рўйхатга олиш маркази томонидан бекор қилиниши мумкин.

Рўйхатга олиш маркази, электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг розилигидан қати назар, қуйидаги ҳолларда электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиши шарт, агар:

мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилишига асос бўлган ҳужжатнинг амал қилиши тугатилганлиги аниқ маълум бўлса;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаси ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи қисмидан назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган ҳоллар аниқланган бўлса.

Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати тугаган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг уни қайта тиклаш ҳақида аризаси бўлмаган тақдирда ҳам электрон рақамли имзо калитининг сертификати бекор қилиниши керак.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг аризаси олинган ёки ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида баён қилинган ҳолатлар юзага келган кунда рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги ёзув рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига киритилиб, бу ҳақда электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаси хабардор қилинади.

17-модда. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификатини рўйхатга олиш марказида сақлаш тартиби ҳамда муддати рўйхатга олиш маркази ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг егаси ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг бекор қилинган сертификати рўйхатга олиш марказида камида уч йил сақланади.

Електрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификатини сақлаш муддати тугаганидан кейин, у рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестридан чиқарилади ва архивда сақлаш режимига ўтказилади.

Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

Електрон рақамли имзо калитининг сертификати йўқолган тақдирда, рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо калити сертификатининг дубликатини бериши мумкин.

18-модда.Рўйхатга олиш марказини тугатиш

Рўйхатга олиш маркази қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилиши мумкин.

Рўйхатга олиш маркази тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан еътиборан бир ой мобайнида бу ҳақда махсус ваколатли органга, шунингдек мазкур рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрига киритилган электрон рақамли имзо ёпиқ калитларининг барча егаларига хабар қилиши шарт.

Рўйхатга олиш маркази тугатилган тақдирда, мазкур рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатлари электрон рақамли имзо ёпиқ калитлари егаларининг розилиги билан бошқа рўйхатга олиш марказларига топширилиши мумкин.

Бошқа рўйхатга олиш марказларига топширилмаган электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатлари бекор қилинади ва махсус ваколатли органга сақлаш учун топширилиб, бу ҳақда электрон рақамли имзолар очиқ калитларининг фойдаланувчилари хабардор қилинади.

19-модда.Чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш

Чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20-модда.Мухр ўрнида ишлатиш

Мухр билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатга айлантирилган қоғоз ҳужжатнинг мазмуни қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан ёки электрон рақамли имзо ёпиқ калити егасининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши мумкин.

21-модда.Низоларни ҳал этиш

Електрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22-модда.Електрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Електрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

2003 йил 11 декабр,

562-ИИ-сон